

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири, доцент
_____Ғ.Амантурдиев
«__» _____ 2014 й.

Ҳимояга рухсат берилди
Зоотехния факултети
декани, доцент
_____У.Ш.Балласов
«__» _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Қибрай туманидаги Мухаммадразохон хонадонидаги Хайсекс-
Уайт кросси товуқларини маҳсулдорлигини таҳлили”**

Битирувчи:

4-91 гуруҳ талабаси

А.Абдусатторов

Илмий раҳбари:

Зоотехния кафедрасининг

Доценти

Н.Шоймуродов

Такризчи: Чорвачилик, паррандачилик

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

Катта илмий ходими

С.Хаджибеков

Мундарижа.

Кириш.....	3
II.Адабиётлар шархи.....	7
III.Мехнатни муҳофаза қилиш.....	13
IV.Шахсий қисм.....	16
4.1.Мухаммадрозахон шахсий хонадонини таърифи.....	16
V.Хусий қисм.....	20
5.1.Тадқиқот олиб борилган манбаа унинг мақсади, вазифалари ва усуллари.....	20
5.2.Тадқиқот натижалари.....	25
5.2.1.Шахсий хонадон шароитида Хайсекс-Уайт кросси товуқларни асраш ва озуклантириш.....	25
5.2.2.Хайсекс-Уайт кросси товуқларини шахсий хонадон шароитига кўникиши, етилувчанлиги ва сақланувчанлиги.....	29
5.2.3.Мухаммадрозахон шахсий хонадонидаги Хайсекс-Уайт кроссли товуқларини тирик вазн динамикаси.....	32
5.2.4.Шахсий хонадонда урчитилаётган Хайсекс-Уайт кросси товуқларини тухум ва гўшт маҳсулдорлик хусусиятлари.....	34
VI.Мухаммадрозахон шахсий хонадонида Хайсекс-Уайт кроссли товуқларини озуқа сарфини қоплови ва урчитилишини самарадорлиги.....	39
VII.Хулоса.....	42
VIII.Тавсия.....	44
IX.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	45

Кириш.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохатлар аграр соҳада жаҳоннинг илғор тажрибасига асосланган деҳқон ва фермер хўжаликларини вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-2008-йилларда қабул қилган қарорлари, фармонлари ва шунингдек молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳон глобаллашуви ва интеграцияси тобора кучайиб бораётган Ўзбекистонга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра кўплаб турдаги экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар кескин пасайган бир пайтда Республикамизда ишлаб чиқарув маҳсулотларига бўлган ички талабни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, уй-жой қурилиши, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шуниндек, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва кооперациялашув асосида товар етказиб беришни долзарб вазифалар қаторида тилга олинди. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларида яшайди ва яшаш манбалари ҳам мазкур ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятини барқарорлиги боғлиқлигини эътиборга олсак, аграр секторни жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда пойтахт ёки вилоятларнинг марказий шаҳарлардан кам бўлмаган ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ўта муҳим.

Бугунги кунда иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири Мамлакатимиз аҳолисини парранда гўшти ва тухум билан таъминлаш мақсадида паррандачилик саноатини шахсий хўжаликларда урчитилаётган паррандачиликни ривожлантириш муҳим бўлиб ҳисобланади. Паррандачилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида етакчи ўрин эгаллайди ва аҳолини юқори сифатли пархез маҳсулотлар билан таъминлайди. Паррандачилик – тез ўсиб ривожланади улкан самара ва фойда келтира

оладиган тармоғидир. Бунинг натижаси ўлароқ жуда қисқа муддатларда аҳолининг қимматбаҳо махсулотлар – гўшти ва тухумларга эҳтиёжини тўлиқ кондиришга имкон яратилди.

Республикада 2015-йилларга мўлжалланган иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастури доирасида Вазирлар Маҳкамасининг март ойидаги йиғилишида 2011-йилда паррандачиликни ривожлантириш ва жўжа етказиб беришни амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури қабул қилинди. Унга биноан 2011-йилда аҳоли хонадонларида паррандачиликни ривожлантиришни намунали даражада ташкил этадиган туманлар рўйхати маъқулланди. Мазкур туманлар ҳокимлари аҳоли хонадонларида паррандачиликни намунавий ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлашга шахсан маъсул эканлари ва амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бориши белгилаб қўйилди.

Республикада 2013-йилда паррандачилик тармоғини ривожлантириш, паррандалар бош сони ва тухум ишлаб чиқаришни кўпайтириш тасдиқланди. Унда паррандалар бош сонини 46 млн бошга ёки 20 фоизга. Тухум ишлаб чиқаришни 4 млрд донага яқин ёки 20 фоизга оширилишни таъминлайди, республикада насли тухум ва бир кунлик жўжага бўлган талабни аниқлаш ва насли тухумни етказиб беришни ташкил қилиш, барча ҳудудларда мавжуд инкубаторларни таъмирлаш, талаб қилинадиган жихозларни сотиб олишга маблағ масаласини ҳал этиш ва конвертация қилиш. Республикада фаолият кўрсатаётган йирик паррандачилик фермер хўжаликларининг тўлиқ қувватларда ишлашини таъминлаш мақсадида улардаги мавжуд паррандалар бош сони ҳатловдан ўтказиш мавжуд, фаолият кўрсатмаётган йирик саноат паррандачилик корхоналарини ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш мақсадида уларни ижарага беришни ташкил этиш.

Шунингдек Республика статистик маълумотларига кўра йўналтирилган мақсадлар доирасида жорий йил якунига қадар республиканинг намуна

сифатида олинган 26 та туманида 393 минг 200 хонадонга 19 млн. 600 минг бош жўжаларни етказиб бериш, жўжаларни етказиб бериш учун талаб қилинадиган пул маблағларининг ҳисоб-китобини ташкил қилиш, аҳоли хонадонларида парранда боқишни ташкил этиш ҳисобига жами 293 минг 200 янги иш ўрни яратиш, Республикадаги 132 та туманнинг ҳар бирида 1 тадан маҳаллада шахсан туман ҳокими раҳбарлигида намунавий парранда боқишни ташкил этиш режалаштирилган.

Шахсий хонадонларда парранда боқиш учун ҳар бир парранда боқиш имкониятига эга бўлган хонадонлар 2011-йилда паррандачиликни ривожлантириш ва аҳоли хонадонларига жўжа етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб ва ишлаб чиқишга тақдим этилади.

Ушбу шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалигида мавжуд инкубаторларни хатловдан ўтказиш, носозларни таъмирлаш қўшимча талаб этиладиган инкубаторларни сотиб болиш чоралари белгиланди. Туманларда, маҳалла фуқаролар йиғини ходими бириктирилди. Парранда боқиш имконияти мавжуд бўлган хонадонларга жўжалар етказиб бериш, озиқлантириш учун омухта ем билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Бунинг учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш назарда тутилган.

Аграр секторни ривожлантирмасдан туриб иқтисодий тараққиётнинг илғор шаклларига ўтишнинг сира иложи йўқ. Яъни аввал мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий дунё қамровида рақобатбардош саноат маҳсулотлари яратишга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳар бир маҳалла йиғинларида барча хонадонларни жалб этган ҳолда парранда боқишнинг самарадорлиги бўйича зарурий қўланмалар тайёрлаш ва паррандачилик билан шуғилланаётган аҳоли хонадонларига етказиш, аҳоли хонадонларида етиштирилган парранда гўштини ва тухумларини марказлашган ҳолда сотишни ташкил этиш учун ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига камида биттадан туман “Махсус

савдо” корхонаси пунктини ташкил этиш ва ушбу корхонага савдо дўконлари ёки ер майдонлари ҳамда талаби этиладиган маблағларни ажратиш фойдадан холи эмас.

Шундай ғоя остида бирлашган ҳолда ҳар томонлама бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш тез орада кутилган натижа бериб илҳом мақсадларга эришишга имкон яратилади.

- Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига парранда гўшти ва тухум маҳсулотларига эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш баробарида таннархи оптималлаштириш орқали бозор нархларини арзонлаштириш;
- Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат хавсизлигини арзонлаштириш;
- Паррандачилик ривожланишини ташқи омилларга боғлиқ бўлишини бартараф этган ҳолда аҳолини сифатли парранда маҳсулотлари билан таъминлашда истемъомолчилик ҳуқуқини ҳимоялаш;
- Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига паррандачилик хўжаликларини насли тухумлар билан таъминлаш;
- Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тарақиётини жадаллаштириш (дон, арпа, маккажўхори, соя етиштириш ва бошқалар);
- Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тарақиётини таъминлаш;
- Янги, энг муҳим даромадли юқори иш ўринларини яратиш.

Демак, Республика маъмурияти томонидан чорвачилик, жумладан қорамолчилик, қўйчилик балиқчилик, асаларчилик, паррандачилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар мазкур соҳаларда фаолият юритаётган хўжаликлар (фермалар, дехқонлар, аҳоли) ни ҳақиқий маънода қўллаб-қувватлашга замин яратди. Амалга ошириладиган тадбирлар асосида мамлакатимизда хом ашё (озуқа, озуқа қўшимчалари, насли тухум ва бошқалар) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига таннархи камайтириш орқали паррандачилик хўжаликларининг рақобат бардошлигини оширишдек биринчи даражали вазифа турибди.

II. Адабиётлар шархи.

Паррандаларни урчитиш улардан хаёт учун зарур бўлган сифатли ва арзон махсулот ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади. Паррандаларни хаёт кечириши ва махсулот бериши турни ўрганишни тақазо этади.

Паррандачилик хаётига ва махсулдорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиб чиқиши ва ишлаб чиқаришда уларга амал қилиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Кўплаб паррандачилик соҳасида фаолият кўрсатган таъкидлайдики паррандаларни бу хусусиятларига асосан (70 фоиз) озиқлантириш ва ирсий (30 фоиз) омилларга боғлиқдир.

И.И.Кочиш (2001) А.В. Епикявичув (1991) олиб борган натижаларга асосланиб таъкидлайдики паррандаларни махсулотларига уларни ёши, зоти, об-хаво шароити ва озиқланиш каби омиллари кучли таъсир этади. Лекин шу омиллар ичида олимларнинг фикрига кўра озиқлантириш омили муҳим ўрин тутади.

Биобарин паррандалардан етиштирилган тухумлар ўзининг оғирлиги, йириклиги ва миқдори билан бир-биридан фарқ этади. Шунда ёш паррандаларни танаси катта ёшли паррандаларга нисбатан кичик шу боисдан кам озуқа истимол қилади. Бунда ёш паррандаларни кичкина, уларни оғирлиги тухум 45-47 грамм бўлади катта ёшдаги паррандаларни тухуми йирик ва оғирлиги 55-63 граммни ташкил этади. Демак улар орасида 10-16 граммга фарқ мавжуд бўлиб ҳисобланади.

С.В. Шахонова, Г.В. Шатина (1988) паррандаларни ёши улғайган сари озуқа истимол қилиши ошиб бориб нафақат тухумининг вазнига хатоки тўйимлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Е. Устинова, А. Гафмон (2002) паррандаларни махсулдорлигини ўрганиб чиқиб таъкидлайдики улар тухумини сифати озуқа ва шунингдек паррандаларни турига ва ёшига бевосита боғлиқ ва бунда кичик паррандаларни урчитишини авфзаллигини қувватлаган.

Паррандалар биологик хусусиятига асосан бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан озиқланиш ва уларни тўйимли бўлиши бўйича кескин фарқ этади. Шу боисдан паррандаларни озиқлантиришда тўла қимматли озуқалардан фойдаланишга ва унинг тартибига оқсил моддасини кўп бўлишига қатъиян эътибор берилади. Бинобарин оқсил паррандаларни модда алмашинуви турли хужайра ва тўқималарни ташкил топишида асосий рол ўйнайди.

Э.Н Абдурашитов, Х.Ш Самигов (1984), Е.В Рыбина (1990), Д.С Азимов (2011) олиб борган ишларга асосланиб қайд этадики тўла қийматли озиқлардан фойдаланиб уларни озиқлантиришини меъёр асосида олиб бориш товуқларни, ўсиш, ривожланишига, махсулдорлигига, етилиши, ҳаётчанлигига ижобий таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда паррандаларни озуқларга бўлган талабини қондириш борасида ишлаб чиқарилаётган омухта емларни тўйимлилиги паст бўлиб уларни махсулдорлигига ва сифатига салбий таъсир этмоқда. Бу камчиликларни олдини олишда Д.С Азимова, А.Шамсуддинов (2002) томонидан олиб борилган ишлар эътиборига моликдир. Улар томонидан саноат асосида ишлаб чиқарилган омихта емлар маҳаллий озуқалар билан бойитилган ва паррандалар озиқлантирилган. Бу ишларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришган, бинобарин уларни ривожланиши, етилиши тухумга кириши, тухум бериш сони, оғирлиги ва сифати ошган.

Бу ишларни ижобий таъсир этишини Е.В.Рыбинани (1992, 1993) тадқиқотларидан ҳам кўринади. У тухум йўналишидаги товуқларни рационига 4-9-14-15 фоиз пахта шротини қўшиб берган ва ҳар бош паррандадан олинган тухумларни сони 15,5 донага, паррандаларни танасини оғирлиги эса 9 фоизга ошган.

Бугунги кунга келиб турли тадқиқот ишларини олиб борилиши ижобий натижа бергани куринади. Чунончи жаҳонда ва Республикада сифатли ва

туйимли озуқалар билан озиқлантириш ва селекция ишларини йулга қуйилиши натижасида мақсадга мувофиқ, паррандаларни урчитилиши ва шулар борасида сифатли парранда махсулотлари (гўшт, тухум) ишлаб чиқарилмоқда. Шу ишларнинг асосий ютуғи бўлиб юқори сифатли ирсий жихатидан мустаҳкам парранда кроссларини вужудга келишидир.

Бу паррандаларда ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиб боришни, уларни озиқлантиришда махсус рецептларни ишлаб чиқарилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хужалик паррандаларни махсулдорлиги қолаверса об-хаво ва иқлим шароитига ҳам боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Чунончи кўпчилик олимларни кузатув ишлари кўрсатадики серпушт товуқлар ташқи муҳитга жуда талабчан, унда тез ўзгариб боради ва чидамлилиқ ҳамда кўникиш хусусиятлари пасайиб боради. Шу боисдан уни бошқариб бориш тавсия этилади. (Иоциус Г.П, Старчиков Н.Н (1989), Фисинии В.И, Тордатьян Н (1991) Фисинии В.И (2004).

А.Поляночкин (1980) Л. Розманов Р. Рузимуродов. (2011) олиб борган ишларига асосланиб қайд этадиларки экологик шароитни кескин ўзгариб бориш парранда ва ташқи муҳит орасидаги мувозанатини ўзгаришига олиб келади.

Парранда махсулотлари миқдорини ва сифатини ошириш кун талаби бўлиб ҳисобланади. Чунки озиқ-овкат дастурини ҳал этишига қаратилган омиллардан биридир.

Паррандачиликда узок йиллар давомида бир хил селекция ишларини олиб борилиши паррандаларни генофондига салбий таъсир кўрсатганини Г.Уткина (1990) каби олимларни иштирокида қайд этилган. Олимларни фикрига кўра бу ишларни олиб бориш паррандаларни ирсий хусусиятларни ўзгартириб боради.

Бугунги кунда бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан махсус дастурлар, режалар ва шунингдек такомиллаштириш усуллари ишлаб чикилган ва олиб борилаётган ишларда генетик потенциалини сақлаб қолишига ҳамда махсулдорлигини оширишга асос солинган.

Бу ишларни амалга оширишда В.Горин (1980), С.Д.Алиев ва Ф.Гусейновни (1979) тадқиқот ишларидан фойдаланиб келинган ва шунда генетик нуқтаи назаридан шароитига мослашиб олганлар ҳамда ўз насли хусусиятларини авлодга утказиб бера оладиган паррандалардан селекция ишларини олиб боришда фойдаланишга тавсия этганлар. Бунда олимлар Заря-17 кроссини мисол қилиб кўрсатган.

Ўзбекистонда С.Г. Азимова ва Х.К. Алимов (2001) томонидан олиб борилган ишларга асосланиб таъкидлаш зарурки паррандаларни тухумдорлигини ва вазни ошириш жуда долзарб ва уни микротизимли урчитиш асосида амалга ошириш мумкиндир. Олимларни фикрига кўра бу паррандалар кучли ирсий хусусият билан характерланади ва ўзининг айнан шу хусусиятларини авлодларига юқори даражасида ўтказадилар. Бу ишларни афзаллиги ва паррандаларни махсулдорлигига ижобий таъсир этишини Р.Дуюнова, Т.Скалярова (1989) ва В.Воронов (1991) ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтадилар.

К.Карибоев (1996) паррандаларни озиклантириш борасида олиб борган ишларига асосланиб таъкидлайдики паррандаларни озиклантириш даражасини юқори бўлиши уларни махсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатган. Олимнинг фикридан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки паррандаларни озиклантириш даражаси паст бўлганида уларни ирсий ва ҳаёт фаолияти секинлашиб махсулдорлигини пасайтириб юборади.

Бунинг асосида қайд этамизки паррандаларни ҳаётда тикланиши сифат ўзгарувчандир ва уни янада такомиллаштириб боришни талаб этади.

Адабиётлар маълумотларидан кўринадики паррандалар ҳаёт кечиришига, унга кўникиб мослашишига, сақланишига ва шунингдек етилишига, махсулдорлигига, насли сифатига озиклантириш омилини таъсири жуда кучлидир.

Шу ишлар қаторида паррандаларни бу кўрсаткичларига наслдорлик хусусиятлари ҳам ўз таъсирини утказди. Бу назарияни Н.С.Файзиева, В.М.Филипова ва бошқалар (1984) ишларидан кўриш мумкин. Бу тадқиқотчилар ўз тажрибаларида турли парранда кроссларида тизимли чатиштиришни қўллаган ва унда олинган дурагайларни тухум махсулдорлиги ўз тенгқурларидан устун бўлганини исботлаган. Бинобарин дурагайлар тухумини оғирлиги бўйича 2,1-3,7 грам, тухум сони бўйича эса 1,1-1,6 донага ўз тенгқурларидан устун бўлган.

Гетероген ирсий хусусиятлар билан ифодаланган паррандалар махсулдорлигини миқдори ва оғирлиги бўйича соф зотли тенгқурларидан устун туришини А.П.Безусова Н.В.Злочевская (1984) бир неча бор исботланган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча тоифадаги хўжаликларда парранда махсулотларини ишлаб чиқариш деярли даражада йўлга қўйилган ва ўрта ҳисобда бир йилига 260-270 дона ва ундан ҳам кўп тухум ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган юқори генетик манбаа (паррандалар) тўпланган, лекин Республикада аҳоли сони кескин даражада ошиб бораётганини инобатга олганда бу манбани янада такомиллаштириб бориши зарурдир.

Юқорида қайтарилган омиллар билан биргаликда махсулдорлиги кўп жихатдан озукалар турига ҳам боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Масалан Х.Хошимов ва Т.Туйчиев (1985) паррандаларни дон ва хайвон дунёсидан олинган озукаларга тавсиф беришда таъкидлайдиларки паррандаларни озиклантиришда омукта ем сифатида уларга маккажўхори, арпа, сули, тарик,

нўхот, жавдар ва бошқа шулар каторидаги донли озуқалардан фойдаланилади.

Жахон иктисодиёти инқирозини олдини олиш чора- тадбирлари бир асосий омил бўлиб барча жойлардаги урчитилган паррандалар тез етилувчан, иктисодий жihatдан арзон ва бугунги кун талаби доирасида сифатли парранда махсулотларини ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Бу борада И.А.Сокач ва бошқалар (1984), В.Воронов, В.Едрышова ва М.Барсукова (1991) таъкидлайдиларки паррандачилиги юқори даражада ривожланган мамлакатлардан серпушт кроссли паррандаларни келтириб урчитиш мақсадга мувофиқлигидир.

Олиб борилган тадқиқотлардан (Пигарев И.В.-1975, Семетнев И.С.-1979) кўринадики паррандаларни махсулдорлигига уларни хўрозлар билан биргаликда боқилиши ҳам маълум даражада таъсир этган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг паррандачилик хўжаликларида парранда махсулотларини ишлаб чиқариш борасида бой тажриба тўпланган лекин жахон андоза талабларига жавоб берадиган махсулот ишлаб чиқарилиши етарли деб бўлмайди. Шу боисдан Республикада паррандачиликни озуқа базасини мустахкамлаш билан биргаликда бизнинг иклим ва об- ҳаво шароитимизга кўникиб мослашиши ва шунингдек махсулдорлиги юқори бўлган паррандаларни, уларни тизимларнинг ва кроссларини етиштириш жуда долзарб бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар маълумотларига асосланиб таъкидлаш лозимки паррандадан махсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини ошириш кўп омилларга боғлиқ ва улар ҳозирги саноат асосида ривожланган паррандачилик корхоналарида олиб борилган ишлар ўз ниятларини топмаган ва бунинг асосини шахсий аҳоли хонадонларида урчитилаётган қишлоқ хўжалик паррандалари ва улардан ишлаб чиқарилаётган махсулотларини янада такомиллаштириш зарур.

III. Мехнатни муҳофаза қилиш.

Паррандачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган хонадонларида меҳнат муҳофазасига катта эътибор берилади ва бу технологик жараён шу шахсий хўжаликни бошқарувчиси Абдусаттаров Мавлон томонидан бошқариб борилади.

Бунда барча меҳнатда банд бўлган ишчиларга техника хавфсизлиги бўйича мунтазам равишда инструктаж ўтказиб махсус журналларга қайд этилиб борилади. Илк бор ишга қабул қилинган ишчиларга вадний ва иш жойидаги инструктаж ўтказилади. Иш жойлари товукларда галалар бўйича бўлинади ва мутахассислар орқали ўтказиб борилади.

Хўжаликда ишчилар бир иш жойидан иккинчи иш жойига ўтказилганда ҳам инструктаж олиб борилади. Хўжаликда иш жараёнларида ўзгаришлар вужудга келганда барча ишчилар йилнинг бошида техника хавфсизлиги инструктаждан ўтказилиши шарт. Мухаммадрозахон шахсий хонадон хўжалигида барча олиб борилган инструктажлар махсус тутилган журналларга қайд қилиниб ишчиларни имзолари қўйилиб борилади.

Меҳнат муҳофазаси жуда муҳим бўлиб ишчиларни соғломлигини кўзлайди. Шуларни инобатга олган иш бошқарувчиси Абдусатаров Мавлон хўжалик тадбирини ўтказиш учун ҳар йили етарли даражада маблағ, асбоб-ускуналар махсус ишчи кийимлари билан ишчиларни таъминлашга катта эътибор беради. Олиб борган ишлар яхши натижаларни берган ва сўнги 3 йил мобайнида бу шахсий хўжаликда бахтсиз ҳодисалар юз бермаган, қолаверса хонадони девол билан ўралган ва ҳудуди экологик ҳолат бўлиб келмоқда.

Шахсий хонадон хўжалигида бу ишларни амалга ошириш учун махсус хона ва техника хавфсизлик бурчаги ташкил этилиб тегишли жихозлар билан жихозланганини талаб этади.

Мухаммадрозахон шахсий хонадони хўжаликда паррандалар биноларини ёнғиндан сақлаш ва ишчиларни меҳнатини муҳофаза қилиш борасида бурчаклар ташкил этилган, тегишли агитацион кўргазмали плакатлар билан жихозланган.

Ишчиларни ишлашига ва дам олишига шароитлар яратилган ва иш муддати режага мувофиқ бўлиб 8 соатдан ошмаслигига катта эътибор берилиб борилади ва режа хўжалик умумий мажлиси раиси Абдусаттаров Мавлон томонидан тасдиқланади.

Мухаммадрозахон шахсий хонадони паррандачилик хўжалигида техника хавфсизлигини ҳолати.

Қишлоқ хўжалигида ва жумладан паррандачиликда маҳсулот етиштириш ва ишлов беришда ишчи ва хизматчилар турли электр мосламалари ва техник воситаларидан фойдаланади. Шу боисдан уларни ишлатиш ва тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятни касб этади. Бунда хотиржам ишлаш ва соғлиқни сақлаб қолиш илк бор шу жараёнлардаги меҳнат қилувчиларни маъсулиятига ва фойдалигига ҳамда техника хавфсизлигига қатъиян риоя этишига боғлиқ.

Бундан келиб чиқиб шахсий хўжалик шароитида олти ойда бир маротаба техника хавфсизлиги бўйича инструктаж олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни бажариш учун хўжалик туман техника хавфсизлиги инженери орқали йил давомида мунтазам равишда олиб бориши зарур. Техника хавфсизлигини тўғри олиб бориши учун бу хўжалик ҳар йили 400-500 минг сўм маблағ ажратади ва барча аҳолини яшашини ва соғлигини сақлайди.

Мухаммадрозахон шахсий хўжалигида санитария ишларини бошқариш ва унии ташкиллаштириш бош мол дўхтирини ўрни жуда катта, чунончи бу ишларни ўтказиш учун махсус режа ишлаб чиқаради ҳамда барча тадбирлар ўз вақтида бажарилишини кузатиб боради. Бу тадбирларни бошқариб бориш бевосита хўжалик жамоасини соғлигини сақлашга қаратилган. Шахсий

хўжаликда аҳоли касалликка чалинганда уларни даволаш чора-тадбирлари кўрилади, зарурият туғилганида касалхоналарга етказилиб даволанади.

Бу ишларни амалга оширишда хонадон худуди ва аҳолини турар жойлари тозаланиб ободонлаштирилишига катта эътибор берилади.

Барча жойлар дезинфекция қилиниши билан биргаликда хўжаликни паррандахонасига кириш жойларида дезобарер ва дезоковриклар ўрнатилади. Парранда биноларидаги тўпланган захарли моддалар ишчиларни ҳаётига катта хавф туғдиради шу боисдан микроиклимни сақлаш учун об-хавони алмаштирувчи мослашган мосламаларни ишлаши мунтазам кузатиб борилади ва зарурият туғилганида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Турли юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш учун шахсий хўжалик худудидаги дайди итларни ва бошқа хайвонларни ўликларини махсус жойларга кўмиб ёки куйдириб юборилади. Шулар билан биргаликда аҳолини қўлидаги барча хайвонлар ва шунингдек хўжаликдаги паррандалар турли касалликларга қарши эмланиб борилади.

Шахсий хўжаликда меҳнатни муҳофазасига ва тегишли равишда ҳар бир ишчи хизматчиларни ҳамда аҳолини соғлигини сақлаб қолиш ва шунингдек техника воситаларидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш учун махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларга қатъиян риоя этишга дават этилади. Бу тадбирларни амалга оширишда хўжалик раиси Абдусаторов Мавлон соҳа бош мутахассиси эътибор беришни талаб этилади деярли яхши йўлга қўйилганлиги сабабли хўжалик аҳли, чорва моллари паррандалар ва худди экологик шароити кўп йиллардан бери қоникарли ёки талаб даражасида бўлиб келмоқда, ва шундай бўлишини давом этиришни тақазо этади.

IV.Шахсий қисм.

4.1.Мухаммадразохон шахсий хонадони таърифи.

Мазкур хонадон қадимий хонадонларидан бири бўлиб Тошкент вилоятини Қибрай туманини Хўжақўрғон маҳалласида яшайди ва паррандачилик соҳасида шахсий хизматчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу хонадон ўзини томорқасига, уй-жойига эга бўлган ва паррандачилик соҳасига хизмат қилишни мақсад қилган. Хонадон бу мақсадга эришиш учун паррандаларни боқиш учун маҳаллий қурилиш материаллардан фойдаланиб махсус парранда боқадиган жой курган. Бу паррандахонани узунлиги 75 метр кенглиги эса 9 метрга тенг. Қурилган паррандахона талаб доирасида бўлиб ҳисобланади ва бирдан олти минг бош товукни боқишга мўлжалланган.

Шахсий хўжалик бўлиб ҳисоблангани учун Қибрай тумани ҳокимиятини қарори ва ер кадастрига эга. Бу хонадон 2010-йилда ташкил бўлиб ҳозирда хизмат қилмоқда. Шахсий хонадон атрофи тўлиқ девол билан ўралган ва кириш чиқиш мунтазам равишда назорат остида. Мазкур шахсий хонадон аҳолиси ўн кишидан иборат шундан иккитаси Хўжақўрғон болалар боғчасига қатнайдиган иккитаси мактаб боласи биттаси Тошкент Давлат Аграр Университетининг Зоотехния факултетини бакалавриятини битирмоқда. Қолган Мухаммадразохон оила аъзолари паррандачиликда шахсий меҳнат қиладилар. Хўжаликда иш юритувчи бўлиб Мухаммадразохон отани ўғли Абдусаттаров Мавлон хизмат қилади қолган аъзолари шахсий хўжаликда турли ишлар билан банд бўлиб ҳисобланади. Мухаммадразохон шахсий хонадони тўлиқ электрлаштирилган, газ ва водопровод ўтказилган шахсий хонадон Хўжақўрғон бошқа хонадонлари каби Майский фуқаролар йиғини таркибига киради ундан фуқаролар йиғини офисигача 3 км, туман маркази Қибрай шаҳрига бу масофа 7 км, вилоят маркази Тошкент шаҳригача 15 км ни ташкил этади.

Шахсий хонадон ва унинг маҳалласи бўлимини Хўжақўрғон тўлиқ ободонлаштирилган кўчаларига асфалт ётқизилган унга кириш чиқиш онсон чунки фуқаролар йиғини офисига Қибрай ва Тошкент шаҳрига қатнайдиغان машиналар кўп.

Шахсий хонадон атрофида уларни оила аъзоларига хизмат кўрсатиш учун озиқ-овқат расталари, ўқув бинолари мавжуд. Хўжақўрғон маҳалласида яшайдиган аҳоли сони 6000 кишига яқин. Хизмат қилиш, ўқиш, соғлигини сақлаб қолиш учун барча шароитлар мавжуд.

Мухаммадрозохон шахсий хонадон ва умуман унинг маҳалласи тахминан 50 гектарда жойлашган ва бу ерлар аҳолини уй жойлари, томорқалари ва йўлари бўлиб ҳисобланади.

Маҳалла аҳли ва шахсан Мухаммадрозохон хонадони ўз томорқаларига оила эҳтиёжини қондириш учун турли кўк ўт, пиёз, сабзи, помидор, бодринг мевали дарахтлар экиб келмоқда. Маҳалла аҳолиси ўз томорқаларида етказилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзлари ишлатади, ортганини эса бозорга чиқариб сотади ва оила даромадини яшабини мустаҳкамлайди.

Мазкур шахсий хонадонда бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан фақат ўзлари фойдаланади лекин паррандачилик (товуқчилик) соҳасида етказган тухум ва гўштни асосий қисмини истимол бозори орқали сотади.

Шахсий хонадон ҳудудини об-ҳаво ва иқлими Тошкент вилоятини Қибрай тумани иқлимига хос. Бинобарин баҳор тез келади ва об-ҳаво майнинг иккинчи ярмидан бошлаб кескин исийди, шундай бўлсада айрим кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши кузатилади. Ёз ойлари куруқ ва ёруғлик кунлари сони 260-270 кун бўлиб ҳисобланади. Ўртача йиллик об-ҳавони ҳарорати 35-38 градусни ташкил этади. Мазкур хонадон қир ҳудудида жойлашганлиги сабабли об-ҳавони ҳарорати жуда исиб кетмай меъёрий даражада сақланади.

Хўжақўрғон маҳалласи ва Мухаммадрозохон шахсий хонадони ҳудуди бир йиллик ўртача намдорлик 300 мм ни ташкил этади. Бу нам ерга ёмғир, қор, шудринг орқали тушади. Шахсий хўжаликни ва маҳаллани ҳудуди қирлик бўлиб тупроқлари бўз ва қумлоқ бўлиб ҳисобланади. Мухаммадрозохон шахсий хонадони фуқаролар йиғини билан биргаликда иш олиб боради ва бунда асосан фуқаролар ҳудудини ободонлаштириш, уларни соғлигини сақлаш ва ночор оилаларга ёрдам кўрсатиш, айрим байрамларда иқтисодий ёрдам бериш ишларида ҳамжихат бўлиб ишлар олиб борилади.

Хўжақўрғон аҳоли хонадонлари ва Мухаммадрозохон шахсий хонадониди турли қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалари урчитилиб маҳсулот олинмоқда. Маҳалла тўғрисидаги маълумотни 1-жадвалда кўриш мумкин.

Жадвал-1

Хўжақўрғон маҳалласи хонадонларидаги чорва моллари ва уларни маҳсулдорлиги.

Чорва молларини тури	Чорва боқувчи хонадонлар сон	Асраладиган чорва мол сони
Қорамол	25	100
Қўй	10	100
Эчки	3	45
Товуқ	30	10500
Ўрдақ	5	100
Ғоз	5	100
Қурка	10	150
Жами	88	11095

Жадвални таҳлилига асосланиб қайд этамизки Хўжақўрғон маҳалласини 68 хонадонда турли қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва

паррандалари урчитилади. Шундан 25 хонадон қорамол (сигир) боқади ва ундан сут ишлаб чиқариб ўзи истимол қилади ва сотади 10 хонадон қўйчилик билан шуғилланиб жун ва гўшт ишлаб чиқаришда фойдаланилади 3 та оила сут йўналишидаги эчкиларни боқиб сифатли сут ва эчки жунини ишлаб чиқаради.

30 оила товуқ боқиб тухум, гўшт ва жўжа етиштириб сотиш билан шуғулланади 5 та оила ўрдак, 5 оила ғоз ва 5 оила курка боқиб сохага мос холда тухум ва гўшт ишлаб чиқади.

Бизни битирув малакавий ишимизни асосий ўрнини шахсий хонадонда урчитилаётган товуқ ва уларни махсулдорлиги бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан улар тўғрисидаги маълумотлар мазкур ишимизни хусусий қисмида батавсил ёритиб берилади.

V.Хусусий қисм.

5.1.Тадқиқот олиб борилган манбаа, унинг мақсади

вазифалари ва усуллари.

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Мухаммадразохон шахсий паррандачилик хонадони Хайсекс-Уайт кросси шароитида урчитилаётган товуклари ишимизнинг манбаи бўлиб ҳисобланади.

2009-йилларда Хайсекс-Уайт товук хўжаликлари Тошкент паррандачилик акциядорлик корхонасига олиб келиниб урчитила бошлаган. Бу кросс тўрт тизимли бўлиб мураккаб чатиштириш натижасида яратилган. Бунда оқ леггорн товуклари ва плимутрок хўрозини қон қуйиш усулида чатиштирилиб мақсадга мувофиқ дурагай товуклар олинади ва бу дурагай товуклар ўз ватанида (АҚШ) да ирсиятини мустахкамланган ва махсулдорлигини ошириб борилиш учун селекция, наслчилик ва такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Туси бўйича улар оқ ва қўнғир бўлиб ҳисобланади тухумини ранги сарчиған. Узоқ вақт давомида етиштирилган селекция ишлари натижа берганлиги туфайли уларни шароитга кўникиш ва мослашиш хусусиятлари юқори. Бу товуклар иқлим ва озикланиш шароитга тез кўникиб юқори махсулдорлик хусусиятлари билан фарқланади.

Бу ижобий хусуиятлар уларни тараққий этишга асос солади ва бу кросс 2012-йилдан бошлаб Мухаммадразохон шахсий хонадонида урчитила бошланган.

Хайсекс-Уайт кросс товукларни экстерери йўналишига хос танаси йирик товукларни тирик вазни, 1,7 ва 1,8 кг. Хўрозларни эса 2,0-2,1 кг тухумга киришнинг дастлабки ёши 145-147 кун бўлиб ҳисобланади. Бир йилига ўрта ҳисобда 350-360 дона тухум беради, тухумни вазни 60-65 грамм, жўжа очилиши 85,0-86,0 фоизни ташкил этади.

1-150 кунлик ёшигача жўжаларни сақланувчанлиги 98, катта ёшли товуқларни сақланувчанлиги 94 фоизни ташкил этади. 1 кг тирик вазни ўсишига 1,1-1,2 кг озук бирлиги сарфлайди, 10 дона тухумга эса 1,4-1,5 кг озуқа бирлигини ташкил этади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаймизки Хайсекс-Уайт кроссли товуқлар ўзининг хулқи, шароитга кўникиши, мослашувчанлиги, етилувчанлиги, сақланувчанлиги ҳамда махсулот бериши анча юқори ва бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча паррандачилик корхоналарида шахсий хўжаликларида кенг тарққий этган.

Шу боисдан тадқиқот ишимизни асосий мақсади Хайсекс-Уайт кросси товуқларни махсулдорлигини оддий шахсий хўжалик шароитга ўрганишни тақозо этади.

Бу мақсад қуйдаги вазифалар орқали ўрганилди.

1. Муҳаммадразохон шахсий паррандачилик хонадонидаги Хайсекс-Уайт кросси товуқларини асраш ва озиклантириш шароитини таҳлил қилиш.
2. Хайсекс-Уайт кроссли товуқларни шароитга кўникиши, сақланувчанлиги ва етилувчанлик хусусиятларини аниқлаш.
3. Хайсекс-Уайт кросси товуқларини тирик вазн динамикасини аниқлаш.
4. Товуқларни тухум махсулдорлигини аниқлаш.
5. Товуқларни урчитилишини самарадорлигини белгилаш.

Тадқиқотни олиб бориш ва вазифаларни ўрганиш 2-жадвалдаги режага биноан амалга оширилди.

Товуқларни асраш ва озиклантириш шахсий хўжалик шароитидаги ҳисоб-китоб ишларини юритиш журналидан ўрганишга ёндашилди ҳамда паррандачилик соҳаси етакчи олимларни жумладан

Тадқиқот режаси.



Г.П. Иоцюс, Н.Н. Старчиков (1989), В.И. Фисинин, Г.А. Тардитьян (1991) маълумотларига асосландик. Ота-она ва саноат галаси товуқларини озик рецептлари чиқаришда Н.В. Агеев ва бошқалар (1982) томонидан ишлаб чиқарилган тавсияларига мослигига эришилди.

Товуқларни сақланувчанлиги ва етилувчанлиги шахсий хўжалик ҳисобат ишларидан таҳлил этилди ва бунда ҳар ойни бошида ва охирида соғлом қолган ва нобуд бўлган товуқлар санаб борилгани исботланди.

Товуқларни тирик вазни, тухум ва гўшт маҳсулдорлик ва уларга сарфланган озуқа шахсий хўжаликни 2013-йил ҳисоботидан ўрганилди.

Товуқларни урчитилишни самарадорлиги хўжаликда қабул қилинган йиллик ҳисоботига амал қилинди.

Жадвалда кўрсатилган товуқлар бир текис ёшда бўлган. Тадқиқотдаги вазифаларни таҳлили товуқларни тухумга киришдан ёки 20 ҳафталигидан 52 ҳафталик ёшгача давом этирилди.

Бунда тирик вазни одий тарозида тортилиб борилди ва унинг динамикаси В.Ф. Красота ва В.Т. Лобанов (1976) усулида ёки ҳисоблаш орқали ўрганилди ва бунда қуйдаги тенгламалар ишлатилди.

1) $W = W_t - W_0$ – мутлоқ ўсиш ёки тирик вазн ошиши

2) $C = \frac{W_t - W_0}{W_0} \cdot 100$ – нисбий ўсиш

3) $A = \frac{W_t - W_0}{T}$ – кунлик ўсиш

Бунда W – мутлоқ ўсиши; W_t – ҳар сўнги тирик вазн; W_0 – ҳар дастлабки тирик вазн; C – нисбий ўсиш; A – суткалик ўсиш; 100 доимий коэффициент бўлиб ҳисобланади.

Товуқларни етилувчанлиги улардан фойдаланиш тезлигига биноан амалга оширилди. Сақланувчанлигини аниқлашда эса маълум дастлабки сондан нобуд бўлган сони ажратиб ўрганилди.

Товуқларни гўшт ва тухум махсулдорлиги ўрганишда ВИЖ ва ВНИИП (1972) услубий қўлланмаларига амал қилиб борилди.

Махсулотларга озуқа сарфини аниқлашда ҳам шу кўрсатилган қўлланмага амал қилинди.

Хайсекс-Уайт товуқларни урчитилиши ва етиштирилган махсулотларини самарадорлиги хўжаликда ҳисоб китов ишларини юритиши бўйича қабул қилинган калкуляцага амал қилинди.

5.2 .Тадқиқот натижалари.

5.2.1 .Шахсий хонадон шароитида Хайсекс-Уайт кроссли товуқларни асраш ва озиклантириш.

Барча паррандаларни ёшига, жинсига махсулдорлигига биноан уларни сақлаш учун маълум микроиклим яратилиб берилади. Шу боисдан хўжаликда паррандаларни асрашда ўз шароитидан келиб чиқиб қалин тўшамадан фойдаланилган. Бунда бир товуқ бошига беркитилган пол сатхи сув ичиш озуқа исътемом қилиниши учун ем-донлар ва сув-донлар қолаверса товуқларни таъминланиши тухум қўйиш уяси билан қолаверса ундаги ёруғлик, ҳаво ҳарорати ҳавони намдорлиги каби биологик талаблар доирасида бўлган.

Парранда хонани ҳар бир кв/м пол сатхига 5-7 бош товуқ қўйилган об-ҳаво талаби товуқларга жавоб берадиган ҳолда бўлганини тўғрисидаги маълумотларни 3-жадвалда кўриш мумкин.

Жадвал-3

Мухаммадрозакхон хонадонида товуқларни асраш шароити.

Товуқларни ёши ҳафтада	Ҳаво ҳарорати (градусда)	Кун ёруғлиги		Ҳаво намлиги фоизда
		Давоми соат	Ёруғлиги люкс	
20	26-28	9,0	15-25	50-60
22	22-24	10,0	20-30	55-65
24	20-22	11,0	30-40	55-65
26	20-22	12,0	30-40	55-65
28	20-22	13,5	30-40	55-65
30-чи ҳафтадан сўнг	20-22	15,0	30-40	55-65

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб таъкидлаймизки паррандаларни парваришlash ва махсулот ишлаб чиқариш бевосита назорат остида бўлиб мунтазам равишда вентилятор ва хаво торткич мўрилари система асосида бошқарилган. 20 ҳафталигида хавони ҳарорати 26-28 градусга тенг бўлган 24 ҳафталигида эса ҳарорат 22-24 градус оралиғида бўлган. Ундан сўнг эса 20-22 градусни ташкил этган.

Қалин тўшамада сақланаётган паррандалар кун ёруғлигига ҳам маълум талабларини қўяди шу боисдан унинг давомийлиги паррандаларни ёши билан белгиланади (20-22-24-26-29-30 ва ундан сўнг ҳафталигида) товуқларни ёши ошган сари унинг давоми ошиб боради 9-10,0-12,0-13,5-15 соатни ташкил этади. Ёруғлик миқдори эса товуқларни ёшини дастлабки (20-22 ҳафта) даврида 15-25 ва 20-30 люксга тенг, 22 ҳафталикдан сўнги даврларда эса 30-40 люксни ташкил этган. Хаво намдорлиги 55-65 фоиз атрофида бўлгани меъёрий даражада бўлиши учун махсус сув пуркаш ускуналардан фойдаланилган.

Бу маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки уларга амал қилинмаса барча товуқлар бир жойга тўпланиб озуқа, сув истимол и пасаяди ва нобуд бўлиш ҳолатига келади. Шу сабабли хўжаликда бу кўрсаткичларга эътибор беради. Товуқларни озиклантиришда В.Н Агеев, Ю.Ч Квиткин, П.И Панков (1982) тавсияларига асосланиб хонадон раҳбари ва унинг укаси Абдусатторов Абдуғаффор Зоотехния факултетини талабаси озиклантириш рецептлари ишлаб чиққан ва озиклантиришда уларга амал қилинган. Рецептлар тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда акс этирилган.

Мухаммадразохон шахсий паррандачилик хонадонида товуқларни
озиклантириш рецепти.

Озуқа турлари	Товуқлар ёши хафтада			
	16-20	21-29	29-45	45 ва ошиқ
Омухта ем	29,0	41,0	35,0	33,4
Маккажўхори	32,0	31,0	30,3	41,0
Буғдой	18,0	8,0	10	9,0
Соя шроти	9,0	7	8	8,0
Пахта шроти	6,3	4	4,0	5,0
Охак	3,0	2	6,5	7,0
Гўшт-суяк уни	2,0	1,5	0,6	4
Калций фосфат	-	4,8	4	4
Примикс	1,0	-	1,0	1,0
Ош тузи	0,5	0,5	0,4	0,1
100 граммли озуқа таркибида				
Алмашинув энергияси кк/дж	260	250	250	250
Алмашинув энергияси кк/дж	1089	1047	1089	1042
Хом протеин	16	15	16	15
Хом килечетка	5	5	5	5,5
Калций	1,2	2,0	2,9	3,5
Фосфор	0,6	0,7	0,6	0,6
Натрий	0,2	0,2	0,2	0,2
Лизин	0,9	0,7	0,8	0,7
Метионин	0,6	0,6	0,6	0,6
1 бошга суткасига бериладиган озуқа	100	120	126	130

Биринчи тухумга кириш даврида (20-хафта) рационларни таркиби мақсадга мувофиқ. Бинобарин бу даврда уларни репродуктив органлари

жадал ўсиб боришини ва тезда етилиб тухумга кириши билан характерланади 21-29 хафталик ёшигача товукларни тухум бериш жадаллигини сақлаб қолишига қаратилган, шу туфайли рецептларни тўйимлигиги талабга тўлиқ жавоб берадиган бўлиб ҳисобланади. Бу хусусият уларни кейинги ёшларида озиқлантиришни ва маҳсулот етиштиришни меъёрий даражада сақлаб қолишига қаратилган.

29 хафталик ёшидан сўнг эса озиқлантириш товукларни тухум беришини ва парранда сонини юқори даражада сақлаб қолиш муҳим бўлиб ҳисобланади ҳолатига ва маҳсулдорлигига қараб ўрта ҳисобда 126 ва 130 грамм озуқа истимол қилиб ўзини озиқ моддаларга бўлган талабини тўлиқ қондирган ҳисобланади ва маҳсулот беришига ижобий таъсир этган.

5.2.2 Хайсекс-Уайт кросси товукларини шахсий хонадон шароитига кўникиши, етилувчанлиги ва сақланувчанлиги.

Ишлаб чиқаришда паррандаларни бу хусусиятларини тахлил этиш жуда муҳим. Бинобарин булар асосида паррандаларни бош сонини сақланиши ва махсулот олиши меъёрида бўлишига эришилади.

Жинсий етилиш ва махсулдорлик орасида ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб турли омиллар билан ифодаланади. Бунда асосий ўрин озиқлантириш омили эгаллайди ва чунончи паррандаларни озиқлантириш даражасига биноан уларда турли физиологик жараёнларини ўзгартира олиш мумкин.

Барча жинс, ёш ва турдаги товуклар ҳаёти давомида турли озуқаларни истимол қилади ва унинг негизида ўзгариб боради. Қолаверса шароитга кўникишга ва мослашишга ўзини мажбурлайди ва натижада такомиллашиб боради ва ўзини сақлаб қолиб ҳаёт кечиришини давом эттиради бу жараёнда мажбурлай олмайдиганлар эса нобуд бўлади.

Паррандаларни етилувчанлиги ва махсулот бериши бир-бири билан боғлиқ ва бир технологик жараён бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда воягга етган товук ва хўрозларда турли ҳаётӣ аломатлар намоён бўлади ва бунда уларни ҳулқ-атвори ўзгариб боради.

Айримларида иккиламчи жинсий органлари ўсиб ривожланиши орқали намоён бўлади. Бу хусусиятларни ўргандик ва қуйидагиларни қайд этамиз.
(5-жадвал)

Хайсекс-Уайт кросси Мухаммадрозохон шахсий хонадонида
товуқларни етилувчанлиги.

Товуқлар кросси	Жинсий етилиш ёши бўйича тақсимот %			Тухумга кириш ва унинг жадаллиги			
	147 кун	150 кун	155 кун	Дастлабки даврда кун	50 % тухумга кирган кун	70 % тухумга кирган кун	Тухум бериш авжи кирган кун
Саноат галаси	25	75	100	150	160	170	220

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики шахсий хонадон шароитида саноат галаси товуқларини жинсий етилишида деярли фарқ этмайди. Бинобарин 147 кунлик ёшида 25 фоиз 150 кунлик ёшида эса 75 фоиз товуқлар жинсий етилган, бу кўрсаткич 155 кунлигида эса 100 фоиз товуқлар тўлиқ етилганидан далолат беради.

Товуқларни физиологик етилиши бироз фарқ этган ва 150 кунлигида айрим товуқлар физиологик етилган бўлиб тухум бера бошлайди. 165-160 кунлик ёшида товуқларни тухум бериш жадаллиги 50 фоиз, 175-170 кунлигида бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади, тухум беришини авжига чиқиши (жадаллиги-90%) эса 230-220 кунга тўғри келади. Бу аснода такидлаймизки Мухаммадрозохон шахсий хонадонида урчитилаётган товуқларни ўсиш тезлиги жинсий ва физиологик етилиши жадал кечган.

Товуқларни сонини меъёрий даражада тутиш ва режа асосида махсулот ишлаб чиқарилиши уларни сақланувчанлигига боғлиқ.

Хайсекс-Уайт кроссли товуқларини сақланувчанлиги кўрсатадики 100 бош она галасидаги товуқларни саноат галасида сақланувчанлиги 97 фоизни

ташкил этган товуклар тухумга киришидан то 48 хафталик ёшига қадар 2 та товук нобуд бўлган ва бу кўрсаткич тухумга киришдаги дастлабки хафталигига тўғри келади. Бинобарин товуклар галасида 24 хафталигидан ва 34 хафталигидан икки бош товук нобуд бўлган. 32 хафталигидан сўнг 48 хафталик товуклардан 1 та товук нобуд бўлган. Саноат галасида товукларни нобуд бўлиши ёшини дастлабки хафталарига тўғри келиши кузатилади.

Бу маълумотлардан кўринадики Хайсекс-Уайт кроссли товуклари юқори ирсий хусусиятлар билан белгиланади ва турли шароитга кўникиб, мослашиши ҳамда сақланувчанлиги баланд ва шахсий хонадонларни кескин континентал иқлим шароитида юқори хусусиятлари билан ифодаланади.

5.2.3. Мухаммадразохон шахсий хонадонидаги Хайсекс-Уайт кроссли товукларини тирик вазн динамикаси.

Хўжаликда урчитилаётган товукларни танасини катта ва кичик бўлиши билан характерланади ва амалиётда танаси йирик бўлган товукларни тирик вазни оғир кичик товуклар эса енгил бўлиши билан характерланади бу тахлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

Жадвал -6

Товуқларни ёши ҳафтада	Саноат товуқлар галаси			
	Тирик вазни г	Мутлоқ ўсиш г	Кунлик ўсиши г	Нисбий ўсиши %
20	1410	-	-	-
24	1590	180	6,43	112,76
28	1780	190	6,79	111,95
32	1850	70	2,50	103,93
36	1890	40	1,43	102,16
40	1920	30	0,71	101,58
44	1940	20	0,48	101,42
48	1950	10	0,23	100,5
52	1960	10	0,23	100,5

Жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатадики товуқлар тухумга кириш (20) ёшида саноат галаси товуқлари 24 ҳафталик ёшида мутлоқ ўсган вазни 1410 граммни ташкил этган.

28 ҳафталикда улар 1780 граммда бўлиб мутлоқ ўсиши 190 граммни ташкил этган, 32 ҳафталигидан бошлаб товуқларни мутлоқ ўсиши пасайган ва 52 ҳафтага келганда бу кўрсаткич 10 грамм бўлган.

Саноат товуқлари галасидан 10 граммга ошиқ бўлган 36 ҳафталигидан сўнг товуқлар орасида вазни бир текис ўтган ва фарқ этмаган.

Тадқиқотда ўрганилган тирик вазн динамикаси ва ундаги мутлоқ суткалик ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари бўйича товуқлар ёши бўйича орасидаги фарқ катта эмас. Товуқларни тирик вазн ошиши жадал кечади, сўнгги даврларда эса пасайиб боради. Бизнинг фикримизга кўра бу табиий холдир чунки ёши ошган сари уларда физиологик жараёнлари ўзгаради.

5.2.4. Шахсий хонадонда урчитилаётган Хайсекс-Уайт кросси товуқларини тухум ва гўшт махсулдорлик хусусиятлари.

Тухум махсулдорлигини тахлили товуқларни урчитилишидан асосий мақсади улардан инсон учун зарур бўлган сифатли озиқ-овқат махсулотларини тухум, гўшт ишлаб чиқариш. Шу боисдан товуқларни тирик вазн динамикасини тахлил қилиб борганимиз қаторида шахсий хонадондаги тухум бериш хусусиятларини ҳам тахлил қилинди ва бу тўғридаги маълумотларни 7-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал-7

Мухаммадрозахон хонадондаги Хайсекс-Уайт кроссли товуқларни
тухум махсулдорлиги.

Товуқлар ёши хафтада	Саноат товуқлар галаси			
	Тухум сони дона	Бир дон тухум вазни г	Жами тухум вазни г	Тухум бериш тезлиги %
20	11,0	54,00,3	594,0	46,7
24	15,0	55,00,3	825,0	48,5
28	21,0	57,50,4	1207,5	65,4
32	27,6	59,20,5	1633,9	79,3
36	27,6	60,50,6	1669,8	90,0
40	26,0	62,00,4	1657,5	87,0
44	25,0	66,30,5	1536	85,0
48	24,0	64,00,7	1536	86,0
52	23,5	65,00,5	15217,5	86,0
Жами	200,7	60,4	12122,3	75,3

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики товуқларни ёши ошган сари тухум бериши ошиб борган лекин бундай ҳолат доимий эмас.

Товуқларни тухумдорлиги 32-36 хафталик ёшида жуда жадал кечган ва 90 фоизни ташкил этган. 40 хафталик ёшидан сўнг эса тухум бериш жадаллиги камайиб бориб уларни оғирлиги ошган.

Тахлил кўрсатадики товуқларни ёши ва дастлабки тухум бериш даври (20-40) орасида ижобий боғлиқлик мавжуд ундан сўнг эса кўрсаткич сусайиб борган.

Тухумларнинг оғирлиги эса аксинча ва дастлабки тухумга кириш ёшида (20-24 хафта) уларни оғирлиги (54-55) паст ёши ошган сари ҳажми ошиб борган ва 48-52 хафталик ёшида дастлабки оғирлигидан ўрта ҳисобда 9-10 грамм фарқ этган.

Тахлил этилган даврда (20-48) товуқлар галасида 2007 дона тухум олинган ва ҳар бир тухумини ўртача оғирлиги 60-60,4 граммни ташкил этган ва товуқларни тухумдорлиги ўртача оғирлиги эса 60,4 грамм бўлган.

Шу хусусиятларига биноан таъкидлаймизки товуқлардан тухумларни олинган умумий оғирлиги қуйидагича бўлган дастлабки даврлар давомида (20 хафта) товуқлардан олинган тухумлар 11,0 дона бўлиб 594,0 грамм, 24 хафталик ёшдаги товуқларда эса бу кўрсаткич 15 дона бўлиб 825 граммни ташкил этган. Демак товуқларни ҳар бир тухумини оғирлиги товуқларни тухум қўйиш сонига ва унинг оғирлигига боғлиқ. Олинган товуқлар тухумини умумий оғирлиги 12122,7 граммни, она товуқлар галасидан эса 10592,2 граммни ташкил этган ва саноат галасида товуқлар хафталик тухум бериш сони бўйича 5-7 дона устунлик қилган. Шу боисдан умумий оғирлиги ҳам 60,4 грамм бўлиб саноат галаси товуқларига мосдир.

Тахлил даврида товуқлардан олинган тухум сони ва оғирлиги ҳамда умумий ишлаб чиқилган тухумларни ҳажмини аниқлаш билан биргаликда тухум бериш жадаллигини (жадвал-8) ҳам аниқлашга ёндошдик. Бундаги маълумотларга таяниб таъкидлаймизки 20 хафталик ёшида саноат галасида бу кўрсаткич 46,7 фоизни ташкил этган.

Кузатув давомини охирида (52 хафта) саноат галасини товуклари она товуклар галасидан 1 фоизга фарқ этган.

Товукларни тухум бериш жадаллиги уларни ёшига ва галасига боғлиқ ва бу хусусият тухум беришга боғланган холда кечиб 40 хафталик ёшдан сўнги даврларда эса пасайиши намоён бўлмоқда.

Бу хусусиятларни биз шахсий хўжаликда саноат асосида урчитилаётган товукларини тухум бериш жадаллиги билан таққосладик ва саноат асосида урчитилаётган товуклар галаси устун турган. Бинобарин бу усутнлик ёшига биноан 20;24;28;32;36;40;44;48; хўжаликларда тегишли равишда 0,7;1,7;1,9;1,8;0,5;1,0 ва 1,4 донага фарқ этмоқда. Галалар орасидаги фарқ умуман 1,0 фоизга тенг бўлган.

Саноат галаси товукларни тухумлари эса озиқ-овқат ва истимол га яроқли бўлиб сифатига биноан табақаланган. Бунда тухумлар 1 ва 2 тоифаларга бўлинган. Бунда тухумлари пархезлилиги хам тахлил этилди ва қайд этамизки оғирлиги 44 граммдан паст бўлмаган ва бир хафта 1 градус совуқликда музлатгичларда сақланган тухумлар пархезли гурухга киритилган қолган холдаги тухумлар эса ошхона гурухига киритилган.

Саноат галаси товуклардан олинган тухумларни пархезли тухумларни улуши 80-90 фоизи, ошхона тухумлари 10-20 фоизга тенг бўлган.

Саноат галаси товуклардан ишлаб чиқарилган тухумларни 80 фоизи тоза, пўстлоғи мустахкам сариқ ва оқсил қисмлари бир-бири билан аралашмаган, оғирлиги ўртача бўлиб 1-тоифага киритлган қолган 20 фоиз 1-тоифали тухумлар талабларига жавоб бермаганлиги сабабли 2-тоифага киритилди.

Хайсекс-Уайт товуклари тухум махсулдорлиги билан биргаликда уларни гўшт махсулдорлиги хам ўрганиб борилди, чунки серпушт кросслардан гўшт ишлаб чиқаришда ва аҳолини унга бўлган эhtiёжини кондиришда фойдаланади. Чунки паррандалардан гўштга бўлган талабини

кондиришда муҳим ўрин тутди. Хайсекс-Уайт кроссли товуқларни гўшт маҳсулдорлиги 8-жадвалда акс этирилган этирилган.

Жадвал -8

Шахсий хонадонда урчитилаётган Хайсекс-Уайт кроссли товуқларини гўшт маҳсулдорлиги.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги минг сўм	Товуқларни ёши	
		18-хафта	72-хафта
Гўштга сўйилган товуқ сони	минг бош	7,0	206,0
Сўйишдан олдинги вазн	г	1240±3,8	2050±4,6
Ярим тозаланган нимта гўшт	г	1018±1,9	1705±2,8
Тўлиқ тозаланган нимта гўшти	г	824,6±1,8	1394,0±2,4
Ярим тозаланган нимта гўштини чиқими	%	82,1	83,2
Тўлиқ тозаланган нимта гўштини чиқими	%	66,5	68,0
Ярим тозаланган нимта лахм гўшт	г	805,7±1,2	1364,5±1,3
Суяк	г	205,7±0,6	326,2±0,7
Пайлар	г	6,6±0,01	14,9±0,02
Лахм гўшт чиқими	%	79,14	80,0
Суяклар чиқими	%	20,61	19,13
Пайлар чиқими	%	0,65	0,87
Хўжаликда ишлаб чиқилган товуқ гўшти	тон	8,7	420,8

Жадвалдан кўринадики Мухаммадразохон шахсий хонадондаги ишлаб чиқариш уларни ёши билан боғлиқ 18 ҳафталигида сўйилган ҳар бир товуқ ҳисобига 1018 грамм ярим тозаланган нимта гўшти олинган ва унинг чиқими 82,1 фоизни ташкил этган 72 ҳафталик ёшидаги товуқларда бу кўрсаткич 1705 г ва 83,2 фоизни ташкил этган.

18 ва 72 хафталик ёшидаги товуклардан тегишли равишда 824,6 ва 1394 грамм тўлиқ тозаланган нимта гўшти олинган чиқими эса 66,5 ва 68 фоизни ташкил этган.

Паррандаларни гўштини морфологияси тегишли равишда 18 хафталик ёшидаги товукларда лаҳм гўшт миқдори 805 грамм, суяк 205,7 грамм ва пайлари 6,6 граммга тенг бўлиб чиқими эса 79,14; 20,21 ва 0,65 фоизни ташкил этган. Бу ёшдаги товукларни сўйимидан хўжалик 8,7 тонна гўшт ишлаб чиқарган.

Бу кўрсаткич 72 хафталик ёшидаги товукларда тегишли равишда 1364,5; 326,2 ва 14,9 граммга тенг бўлган чиқими эса 80; 19,13 ва 0,87 фоизни ташкил этган. Бу ёшдаги товуклардан хўжалик 420,8 тонна гўшт олишга эришган.

Хисобот йилида хўжаликда жами 429,5 тонна гўшт ишлаб чиқилган ва 80 фоизи ёки 343,6 тонна гўшт 1-тоифага киритилган, қолган 77,2 тонна ёки 20 фоиз гўшт 2-тоифага киритилган.

VI.Мухаммадразохон шахсий хонадонида Хайсекс-Уайт кроссли товукларини озуқа сарфини қоплови ва урчитилишини самарадорлиги.

Барча паррандачилик хўжаликларни махсулот ишлаб чиқаришга сарфланган озуқалар сарфини ўрганишни муҳим бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан бу курсакични ўрганишга ёндошдик. Бунда тадқиқот даврида сарфланган озуқаларни ўрганишда хўжалик маълумотларини саноат корхонаси билан қиёслаб ўргандик ва бунда олинган маълумотлар 9-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал -9

Хайсекс-Уайт кросс товуклари озуқа қоплови.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Товуқлар галаси	
		Саноат корхона	Шахсий хонадон
Озуқа истимол қилинган давр	кун	196	196
Бир кунлик озуқа истимол миқдори	г	110,0	120,0
Жами озуқа истимол миқдори	кг	21,6	23,5
Олинган тухум сони	дона	2150	200,7
Ўстирилган вазн хажми	кг	0,57	0,34
10 дона тухумга озуқа сарфи	кг	2,15	2,35
1 кг тирик вазнга озуқа сарфи	кг	3,8	4,3

Жадвалдан кўринадики жами кузатув давоми 196 кун бўлиб унда ҳар бир бош товук бир кунига ўртача 110-120 грамдан озуқа истимол қилган. Кузатув давомида озуқа сарфи саноат корхонасида 21,6 шахсий хонадонда бир хил бўлиб 23,5 килограммга тенгдир. Товуқларни тухум бериши ва тирик вазн ўсиши бир хил бўлмаган ва унинг негизида уларни ишлаб чиқаришга озуқа сарфи турлича бўлган. Бинобарин саноат корхонасидаги товуклар галаси 10 дона тухум сонига 2,15 кг шахсий хўжалик галасидаги тенгкурлари эса 2,35 кг, бу кўрсаткичлар ўстирилган вазн бўйича саноат

корхонасида 3,8 кг, шахсий хонадонда эса икки баробарига кўп бўлиб 7,3 кг ни ташкил этган.

Озуқа сарфида орасида фарқ мавжуд ва урчитилиш шароитига кўра ўрганилган кросс товукларнинг андоза талабига мос ҳолдадир.

Маълумки парранда маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши маблағ харажатларига боғлиқ ва шунда харажатлар ошиб кетса рентабеллиги пасаяди ва хўжалик фойда кўрмайди. Шундан келиб чиқиб ишимизни иқтисодий самарадорлигини озуқа сарфи каби қиёсий аниқлашга ёндошдик ва бу тўғридаги маълумотлар 10-жадвалда келтирилган.

Жадвал-10

Хайсекс-Уайт кроссли товуклар урчитилишини самарадорлиги.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гўшт	Тухум
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот	кг	1,7	200,7
Маҳсулот бирлигини таннари	дона	4900,0	190,0
Маҳсулот биричилигини сотилиш нархи	сўм	7200,0	250,0
Ялпи маҳсулот бирлигини таннари	сўм	8330,0	38133,0
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад	сўм	12240,0	50175,0
Соф фойда	сўм	3910,0	12042,0
Рентабеллик даражаси	%	46,9	31,6

Жадвалдан кўринадикки шахсий хўжаликда ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар орасида фарқ мавжуд бунда гўшт бўйича бу фарқ 2300 сўмни тухум бўйича эса 60 сўмни ташкил этган. Шу боисдан шахсий хўжаликда гўшт ишлаб чиқариб сотишда 12240 сўм даромад олган бу кўрсаткич тухум бўйича эса бу даромад 12042 сўмни ташкил этган. Шахсий Мухаммадразохон хонадони бир бош ҳисобида тухум ишлаб чиқариш ва унинг рентабеллик 31,6 фоизни ташкил этган. Гўшт ишлаб чиқарилишида бу кўрсаткич 46,9 фоизга тенг бўлган.

Шахсий хонадон тухум ва гўшт ишлаб чиқаришини яхши йўлга қўйганига қарамасдан янги технологияларни жорий этишга интилмоқда. Шу аснода таъкидлаш мумкинки эришилган ютуқлар чегара эмас ва имкониятларни қидиришни тақазо этади.

VII.Хулоса

Мухаммадразохон шахсий хонадонда серпушт кроссли товукларини махсулдорлигини ўрганиш натижасига биноан қуйидаги хулосалар қилинди.

1. Хайсекс-Уайт товук кросси серпушт бўлиб Ўзбекистон об-ҳаво иқлим ва озуклантириш шароитига кўникиш ва мослашиш хусусиятлари билан характерланади.
2. Шахсий хонадонда 6000 бош товук урчитилиб келинган ва уларни асраш, боқиш шароитлари меъёрий даражада бўлган.
3. Товукларни озиклантиришда уларни ҳаётий даврлари ёши, тирик вазни ва бошқа физиологик жараёнларини намаён бўлиши инобатга олинган ва товуклар озиклантирилган.
4. Шахсий хонадонда паррандаларни (товук боқиш учун махсус парранда хона (75 х 9) қурилган, у сехларга бўлиниб жихозланган ва товук боқиш шароитлари яратилган, товуклар қалин тўшамада асралмоқда.
5. Шахсий хонадонда асралган товуклар 21-22 ҳафталик ёшида жинсий етилиб 5-10 фоизи тухумга кирган. Қолганларни физиологик етилиб тухумга кириш ёши 23 ҳафтани ташкил этган.
6. Шахсий хонадондаги серпушт кроссли Хайсекс-Уайт товуклари 50 фоиз тухумга кириш ёши 160 кун, 70 фоиз 170 кун ва 200-220 кунни ташкил этган.
7. Шахсий хонадондаги урчитилаётган Хайсекс-Уайт кросси товуклари юқори сақланувчанлик 97 фоиз хусусиятлари билан характерланади.
8. Шахсий хонадонда тадқиқот давомида (52 ҳафта) бир бош товук ҳисобига ўртача 200.7 дон тухум етиштирилган унинг ўртача оғирлиги эса 60,4 граммни ташкил этган.

9. Товуқларни ўсиши ва тирик вазн динамикаси тухум йўналишидаги товуқларга хос бўлиб мутлоқ ўсиш 540 (52 ҳафта) грамм бўлган ва бу кўрсаткич товуқларни ёши ҳамда озикланиш даражасига боғлиқ.
10. Шахсий хонадонда Хайсекс-Уайт кросси товуқлари асосан тухумга кириш ва унинг тугаш даврида гўштга сўйилган (18-72 ҳафталик) 18 ҳафталик ёшидаги серпушт товуқларини ярим тозаланган нимта гўшти 1018 грамм, тўлиқ тозаланган 824,6 граммни ташкил этган. 72 ҳафталик ёшдагиларда эса тегишли равишда 1705 грамм ва 1394 грамм бўлган.
11. Урчитилаётган товуқларни озуқа қоплови шахсий хонадонга ва товуқ кроссига мос ҳолда бўлган (10 дона тухумга 2,15-2,35 л кг тирик вазнига эса 3,8-4,3 кг ни ташкил этган.
12. Шахсий хонадон шароитида урчитилиб махсулот етиштиришини тухум бўйича рентабеллик даражаси 31,6 фоизни гўшт бўйича эса 46,9 фоизни ташкил этган.

VIII Тавсия.

Қибрай тумани Мухаммадразохон шахсий хонадонида урчитилаётган серпушт товуқларни маҳсулдорлигини ошириш борасида қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур.

1. Шахсий хонадонда серпушт кросси товуқларини маҳаллий шароитга кўникишни озиклантиришни янада такомиллаштириш.
2. Шахсий хонадонда серпушт товуқларни урчитиб рентабеллигини оширишда ишлаб чиқариш харажатларини 10 фоизга пасайтиришга тухум бериш сонини 5 фоизга ошириш.
3. Қибрай тумани чорвачилик бўлимини зоотехники ва мол докторини шахсий хонадонларни паррандаларини озуқалар билан таъминлашда ва чора-тадбирлари бўйича сервис хизматини ошириш.

IX.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартраф этишининг йўллари ва чоралари “Ўзбекистон” Тошкент 2009.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий кенгаш қарорлари “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларини янада чуқурлаштириш “Тошкент” 1995.
3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин хаёт манбаи “Ўзбекистон тараққиёт йўлида” Тошкент 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси статистик бошқармаси чорвачилик тўғрисидаги маълумотлар 2013 й.
5. Абдурашитова Э.Н, Самгов Технология кормления сельскохозяйственных животных и вопросы кормопроизводство. Тр. УзНИИЖ вып 39. Тошкент 1984 13-14 бет.
6. Агеев В.Н, Квиткин Ю.П, П.П Кормление сельскохозяйственных животных М 1982 27 бет.
7. Азимов С.Г, Алимов Х.К Селекция кур при разведении по микролиниям кросса «Узбекистан» Тезисы докладов научной конференции по птицеводству Борки 2001. 10-13 бет.
8. Азимов Д.С Использование жирной глины в рационах кур-несушек. Ж «Зооветеринария» 2011 №5 33-34 бет.
9. Азимов Д.С, Шамситдинов А Обогащение заводских комбикормов для молодняка кур кросса Узбекистана Тезы док 1-ой международной научно-практической конференции 2002 г Аграр фан ютуклари Тошкент 2002. 154-бет
- 10.Алиев С.Д, Гусейнов Ф. Испытание яичных кур различных сочетаний в условиях Азербайджана 1979 2-5 бет.
- 11.Безусова А.П. Злочевская Н.В Создание и использование гетерогенных популяций яичных кур с аутсексной основной “Эффективные приёмы

- производства яиц и мясо птиц” Сб науч. тр. Загорск ВНИИТИП 1984 16-27 бет.
- 12.Воронов В., Едрышева В., Борсукова И. Работаем с кроссом “Гибро” Ж “Птицеводство” №8 1991 6-7 бет
- 13.Горин В. Принципы гентической стабилизации линий в птицеводстве “Гентические и физиологические основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных” Тр. ВАСХ нил, отделения животноводства Москва 1980. 116-114.
- 14.Дуюнова Р.Г., Склярова Г.Я. Высокопродуктивный кросс птицы “Агропромиздат” М. 1989. 34-35 бет.
- 15.Епишкявичус А.В. Замена стандартного комбикорма для кур несушек нетрадиционными кормами Ж. “Птицеводство” 1991 №5 с.15.
- 16.Иоцюс Г.П., Старчиков В.Н “Птицеводство” М.2002.
- 17.Карибаев К. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тўла қимматли ем-хашак билан озиклантириш ва озукаларни тайёрлаш ҳамда сақлаш технологияси “Фан ўқитувчи” Тошкент 1966 217-218 бет.
- 18.Кросата В.Ф. Лобанов В.Т. Разведение сельскохозяйственных животных М.1976
- 19.Кочиш И.И., Рязанов И.Г. Пути реализации генетического потенциала промышленных кроссов кур. тезис докл науч конференции по птицеводству Барки 2001 с 90-94.
- 20.Поляночкин А.А., Популяционная генетика в птицеводстве “Колос” Москва 1980.
- 21.Рахмонов Л., Рўзимуродов Р. Родонит-3 кросси жўжаларини ўстириш самараси Ж “Зооветеринария” 2011. №5 35-36 бет.
- 22.Рыбина Е.В., Арипжанов З., Мирзалиева Ю. Рекомендация по кормлению кур в условиях жаркого климата науч труды УзНИИЖ Тошкент 1990 3-10 бет.
- 23.Рыбина Е.В. Арипжанов З.А., Мирзалиева Ю. Хлопковый шрот в реционо х бройлеров Ж. “Птицеводство” 1992 №9 17-13 бет.

24. Рыбина Е.В., Мирзалиев Д., Имангулова Н., Ашуров З.М., “Пахта шротини сифатли қисми озуқа манбаи” науч турды УзНИИЖ “Пути повышения продуктивности животноводства” Тошкент 1993 133-115 бет.
25. Сокач А.А., Продуктивные и племенные особенности кросса Хайсекс белый в условиях Молдавии. ВКН. “Проблемы разведения птицеводства в Молдавии” Кишени 1984.
26. Уткина Г.И. Иотги международных исптений яичных кур песушек Ж. “Птицеводство” 1990. №8 18-20 бет.
27. Фисинин В., Тердочьян Г.А. Промышленное птицеводство Агропромиздат М 1991.
28. Фузеева Н.С., Филатов В.И. “К вопросу о методах создания новых линий яичных кроссов Эффективне прёмы производства яиц птицы” сб науч тр ВНИИТИП Загорск 1984.
29. Хошимов Х., Тўйчиев Т. Паррандаларни озиқлантириш ва парранда боқиш “Меҳнат” Тошкент 1985. 25-40 бет
30. Шахнова Л.В., Шубина Г.В. Хозяйственно-полезны качества кур парод корниш плимутрок полученных из яиц разной мясы реор Ж. “Птицеводство” 1988 №6 11 бет.